O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2000 йил, 21 ноябрь, сешанба № 140 (1404). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 21 ноября 2000 г. № 140 (1404). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Президент Италияга жўнаб кетди

Италия иқтисодий жиҳатдан дунёнинг энг олди давлатларидан бири ҳисобланади. У «Катта еттилик», Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби кўплаб нуфузли тузилмаларнинг катта салоҳиятга эга бўлган аъзоси. Италия халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантириш, минтақаларда тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш борасидаги кўплаб тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

У сўнгги йилларда, айниқса, иқтисодий соҳада катта ютуқларга эришаётир. Хусусан, ҳозир ишлаб чиқариш бўйича дунёда олтинчи ўринда туради, мамлакатда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда мамлакатдаги мавжуд корхоналарнинг эллик фоизи шу икки тармоққа тегишли.

20 ноябрь куни, расмий ташриф билан Италия Республикасига жўнаб кетар экан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистларга берган интервьюсида шуларни алоҳида таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистон билан Италия ўртасида ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгалигини ва мазкур давлат тажрибаларидан кенгроқ фойдаланиш лозимлигини айтди.

— Италия билан ўзаро алоқаларимиз ҳар томонлама тобора ривожланиб бормоқда, — деди Президент. — Италия раҳбарларининг юртимизга ташрифи, Ўзбекистон раҳбарияти делегацияларининг Италияга сафарлари асосида кўплаб ҳужжатлар имзоланган, ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган.

Хусусан, ҳозир юртимизда олтмишдан ортиқ Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш, транспорт ҳамда сайёҳлик соҳаларини ривожлантириш билан шуғулланаётир.

Ислом Каримовнинг Италияга бу галги — иккинчи расмий ташрифи чоғида ўнга яқин ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Улар, асосан, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган. Шунингдек, уюшган жиноятчилик, террорчилик ва наркобизнесга қарши ҳамкорликда кураш бўйича ҳам ҳужжат имзолаш режалаштирилган. Ташриф доирасида Италиянинг янги раҳбари Президент Карло Адзелио Чампи, шунингдек, ҳукумат ва парламент аъзолари, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилади.

Интервью сўнггида мамлакатимиз раҳбари ўзининг Италияга мазкур ташрифи икки томонлама алоқаларни янги босқичга кўтаришига умид билдирди. Зеро, президентимиз таъкидлаганидек, Италия томони ҳам Ўзбекистон билан муносабатларни янада мустаҳкамлашга катта қизиқиш билан қарамоқда.

Р. МАҲМУДОВ,
ЎзА мухбири.

БУЮК БОБОКАЛОНЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗИ

Мамлакатимизда ислом ҳуқуқшунослигининг буюк намояндалари Бурҳониддин Маргиноний ва ал-Мотуридийнинг таваллуд айёмлари катта тантаналар билан нишонланди. Юртбошимиз буюк бобокалонларимиз юбилейига бағишлаб Маргилонда ва Самарқандда бўлиб ўтган тантанали маросимларда сўзлаган нутқларида бу икки улуғ зотнинг жаҳон ва миллатимиз тарихида тутган беқиёс ўрни ҳақида сўзлади. Шуниси диққатга сазоворки, тантаналарда жаҳондаги кўпгина мамлакатлардан исломшунос ва шарқшунос олимлар ҳам иштирок этиб, миллий меросимиз ва маънавий қадриятларимиз истиқлол йилларида қандай эъзозланаётганига гувоҳ бўлдилар.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз олимлари, дин вакиллари, юбилей тантаналарига ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар Бурҳониддин Маргиноний ва ал-Мотуридий ҳаёти ва ижоди хусусида хорижлик ва ўзбекистонлик журналистлар саволларига жавоб қайтардилар. Анжуманда қатнашган чет эл элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимларининг бу икки буюк зот меросини ўрганиш борасида ўзбек олимлари амалга ошираётган ишлар, хорижий мамлакатлардаги илмий марказлар билан алоқалар, ёш авлодни тарбиялашда маданий мероснинг ўрни ва бошқа мавзуларда берган саволларига олимлар ва хорижлик меҳмонларнинг жавоблари тингланди.

Анжуманда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳуснидинов ва Бош вазир ўринбосари Ҳ. Кароматов иштирок этди.

(ЎзА).

Ҳамкорликда гап кўп

Республика хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, қўмита раиси Д. Гуломова бошқарган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари — хотин-қизлар қўмиталари раислари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда хотин-қизлар қўмиталарининг мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш борасида маҳалла фуқаролари йиғинлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар республикамизда кечаётган ижтимоий-сиёсий ва маънавий янгиланиш жараёнида хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллиги ортаётгани, барча соҳалардаги туб ислоҳотларни рўёбга чиқаришда улар томонидан олиб борилаётган ишлар муайян самара бераётганини таъкидладилар. Лекин жойларда хотин-қизлар қўмиталари ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида маҳаллаларда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга қаратилган ишларда муайян камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда «Соғлом авлод» Давлат дастурининг бажарилиши борасида Наманган ва Сирдарё вилоятлари хотин-қизлар қўмиталари амалга ошираётган ишлар тўғрисидаги масала ҳам муҳокама этилди.

З. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Башорат деҳқонга ҳам керак

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Бозор иқтисодиётига ўтиш ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агросаноат мажмуини ривожлантиришни башорат қилиш муаммолари ҳамда уларни бартараф этиш йўллари» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т. Холтоев бошқарди.

Анжуманда таъкидланганидек, халқ хўжалиги тармоқларида амалга оширилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодиёти ривожининг асосини ташкил этади. Шу боис барча соҳаларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун мулк давлат тасаррофидан чиқарилмоқда. Ҳозирда кўпгина тармоқларда иш юритишнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳам мулкка муносабат тубдан ўзгарган. Деҳқонларда ерга, мулкка ва ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик ҳисси қарор топмоқда. Пахта ва галладан ташқари барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилинган.

Айни вақтда деҳқонлар бир йил, нари борса, икки йилга мўлжалланган бизнес-режага асосан ўзи танлаган экин турини парваришлаб, маҳсулотини эркин нархда бозорга чиқармоқда. Бу эса иқтисодий жиҳатдан хўжаликлар ривожланишидаги қатор муаммоларни олдиндан кўра билиш ва уларнинг ечимини ўз вақтида топиш имкониятини бермаётир. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳотлар жараёнидан келиб чиққан ҳолда жадал ривожлантириш режасини тузиш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, фан-техника ютуқлари ва замонавий технологияларни кенг қўллаш механизмини яратишга моделик қилмоқда.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимизда мазкур соҳани марказлаштирилган иқтисодий режа асосида ривожлантиришнинг асосий мақсади аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидладилар. Шунингдек, бу борадаги ишларни минтақа ва хўжаликлар миқёсида амалга ошириш юзасидан фикр алмашдилар.

(ЎзА).

СООБЩЕНИЕ ЦЕНТРАЛЬНОГО БАНКА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Центральный банк Республики Узбекистан установил с 21 ноября 2000 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных платежей /*

1 австралийский доллар	163,34
1 австрийский шиллинг	19,49
1 английский фунт стерлингов	446,84
10 бельгийских франков	66,50
1 голландский гульден	121,72
1 датская крона	35,97
1 дирхам ОАЭ	85,49
1 доллар США	313,99
1 египетский фунт	82,20
10 испанских песет	16,12
100 итальянских лир	13,85
1 канадский доллар	202,00
1 китайский юань	37,93
10 люксембургских франков	66,50
1 малайзийский ринггит	82,64
1 немецкая марка	137,15
1 польский злотый	68,72
1 СДР	402,96
1000 турецких лир	0,46
1 финляндская марка	45,12
1 французский франк	40,89
1 швейцарский франк	175,94
1 евро	268,24
10 южнокорейских вон	2,75
10 японских иен	28,86
1 российский рубль	11,29
1 украинская гривна	57,75

***/ Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данным курсам.**

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ 9 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ ҚУТИБ ОЛАМИЗ

● ЭРТАГА ЖАНГОВАР БАЙРОҚ ТАСДИҚЛАНГАН КУН

Ҳарбий қисмларда посбокларни матонат, жасорат, садоқатга ундаб турувчи бир рамз бор. Буни йигитлик мактабининг сабоғини олганлар яхши билади. Бу — ҳарбий қисмнинг Жанговар Байроғидир.

Жанговар Байроқ ҳар бир посбонга Ватанга фидойи бўлиш, она-юртни кўз қорачиғидек асрашдаги бурчини мудом эслатиб туради. Ана қаранг, соқчи бутун диққатини жамлаб, бир лаҳза ҳам чалғимай Жанговар Байроқни қўриқлаётган. Аслида номус-ориғ, шон-шарафини асрамоқда, у. Ахир Жанговар Байроқ қўлдан кетиши ҳарбий жамоа учун ўнглаб бўлмас шармандаликдир.

Қутлуғ сана — Жанговар Байроқ тасдиқланган кунга 7 йил тўлаяпти. Яъни, 1993 йилнинг 22 ноябрида Президентимиз — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони бу ҳақдаги Фармонни имзолади. Шу боис биз посбонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг Жанговар Байроқ ҳақидаги фикрларини ёзиб олдик.

ШОН-ШУҲРАТНИНГ РАМЗИДИР, БУ!

Кичик сержант Учқун ХАИРУЛЛАЕВ:— Бурчимни ўтай бошлаганимга бир йил бўлди. Хизматнинг дастлабки кунларида ҳарбий жамоа ҳаёти билан танишув давомида Жанговар Байроқ сақланаётган қисм штабига олиб боришди. «Шу бир оддийгина байроқни дабдаба билан қўриқлашга не ҳожат?», деб ўйлаганман, ўшанда. Сўнгра ҳарбий Қасамёд қабул қилдик, бир неча бошқа тантана ва байрамларнинг гувоҳи бўлдик.

Буларнинг барида оркестр мусиқаси садолари остида Жанговар Байроқ олиб ўтилди. Менинг хотирамда ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантанаси муҳрланиб қолган. Шунда Жанговар Байроқ менга ғурур, матонат, жасоратнинг намунаси бўлиб кўринган, Сафдошларим қатори мен ҳам Жанговар Байроқни қўриқлашга турганман. Яхши хизматларим учун унинг ёнида суратга тушишга рухсат беришган. Хуллас, Жанговар Байроқ мен ўйлагончалик оддий мато эмас экан.

Оддий аскар Фурқат ТОШХУЖАЕВ:— Хизматим давомида байроқдорлик қилишимга ҳам тўғри келган. Маълумки, Жанговар Байроқ билан юриш чоғида байроқдор ва ёрдамчиларининг тасмаси бўлиши лозим. Жанговар Байроқ доимо қисм билан бирга бўлади. Бизда аълочи посбонларни унинг ёнида суратга тушириш анъана тусини олган. Командирларимиз доимо: «Қисмимизнинг шон-шавкати, обрўси Жанговар Байроқда мужассамланган. Хизматда хато ва камчиликларга йўл қўйиш унга доғ тушириш билан тенг»,— дейишади.

Оддий аскар Ҳамза ФАРМОНОВ.— Яқинда муддатли ҳарбий хизматни бошладим. Бир неча кундан сўнг ҳарбий Қасамёд қабул қиламиз. Ҳозирча англаб етганим шу бўлдики, йигитлик мактабидаги муқаддас нарсалардан бири Жанговар Байроқ экан. Жанговар Байроқни кўз қорачиғидек асраш.— Қасамёдга, бурчга содиқ бўлиш, Ватанни муносиб ҳимоя қилиш, дегани экан.

Озодлик шамолида мангу ҳилпирайвер, Жанговар Байроқ!

Катта лейтенант Ш. ТОЛМАСОВ ёзиб олди.

НА НОВОЕ МЕСТО С НОВЫМИ ЗАДАЧАМИ

Продолжается напряженная работа по приведению Вооруженных Сил в полное соответствие с решаемыми современными задачами. На днях первый заместитель Министра обороны — начальник Объединенного штаба Вооруженных Сил провел строевой смотр одной из новых частей. В ее состав входит и артиллерийский дивизион под командованием старшего лейтенанта Исматуллы Халилова, недавно сформированный для выполнения новых задач.

На смотре одетые с иголочки воины-артиллеристы выглядели бодро и подтянуто. Словно и не было за плечами стремительного марша по горным кручам, а до этого — напряженной боевой учебы в ходе формирования и слаживания батарей и огневых групп.

Все офицеры этого дивизиона молоды и полны огромного желания быть там, где этого потребуют интересы независимого Узбекистана. Их не пугают ни отдаленность нового военного гарнизона, ни разлука с родными и близкими. Тем более, что на новом месте уже налажены нормальная боевая учеба и бытовые условия в полевом лагере, военные строители приступили к строительству казарм, а неподалеку местные власти выделили целый многоэтажный дом под семейное общежитие для офицеров и прапорщиков.

В составе подразделения много таких, кто добровольно оставил престижные должности и места службы, чтобы быть там, где труднее. Как, например, командир учебного взвода в Самаркандском ВВАКИУ лейтенант Х. Махмудов, принявший на новом месте артиллерийскую батарею.

Да и среди личного состава в основном добровольцы, изъявившие желание испытать себя в новых условиях. Такие, как старший сержант Зафар Курбанов, один из самых лучших командиров орудий, обучающий сегодня других младших командиров мастерству меткого огня. Или рядовой Бахриддин Эшмурадов, старший наводчик, один из самых опытных специалистов в подразделении. Далеко новый гарнизон от его родного Каракалпакстана, но воин убежден в том, что именно здесь он в настоящий момент нужнее всего.

Пройдет немного времени, и после завершения боевого слаживания воины-артиллеристы, как и другие военнослужащие новой части, приступят к выполнению важнейшей задачи по обеспечению мирной жизни народа и территориальной целостности нашего молодого, независимого государства. Настрой у воинов боевой — любые попытки международных террористов и экстремистов проникнуть на землю Узбекистана будут беспощадно пресечены. Никакие трудности не помешают воинам-узбекистанцам успешно выполнить любую учебно-боевую задачу.

Подполковник **К. НИКОЛАЕВ.**

● ИДЕТ ПОДГОТОВКА К ЗИМНЕМУ ПЕРИОДУ ОБУЧЕНИЯ

ДОЙТИ ДО КАЖДОГО

Недавно повсеместно в частях и подразделениях прошли двухдневные сборы руководителей групп общественно-политичес к о й подготовки. На них офицеры-воспитатели обменялись мнениями о путях повышения эффективности проводимых занятий.

В воинской части, которой командует майор Б. Ганпов, это важное мероприятие началось с доклада командира об итогах общественно-политичес к о й подготовки личного состава в 1999—2000 учебном году, в котором был сделан обстоятельный анализ достижений и недостатков, пос-

(Окончание на 2-й стр.).

● ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР

ПРИСЯГАЮТ ВОИНЫ-СОЗИДАТЕЛИ

ФОТОРЕПОРТАЖ

Этих военнослужащих можно будет встретить в самых отдаленных гарнизонах. В сложных условиях, порой проявляя настоящий трудовой героизм, будут обустраивать они быт военнослужащих, возводить новые военные городки, важные военные и гражданские объекты.

В этот день в учебной части, которой командует подполковник В. Гюльгасанов — праздник: новое пополнение военных строителей принимает Военную присягу на верность независимому Узбекистану.

Радостью и гордостью светятся лица рядовых Комилжона Маллаева, Фахриддина Эргашева, Абдимурада Хамраева и их сослуживцев. Один за другим четким строевым шагом выходят они из строя подразделения, чтобы перед лицом товарищей и многочисленных гостей зачитать текст торжественной клятвы на верность народу и Президенту. Молодые и звонкие голоса новобранцев далеко разносят слова Военной присяги под восторженными взглядами отцов и матерей, младших братьев и друзей, приехавших сюда из многих вилоятов и городов республики.

Среди новобранцев этого призыва как никогда много молодых людей с высшим образованием. Так, рядовой Комилжон Маллаев в прошлом году закончил Ташкентский электротехнический институт связи, работал инженером на предприятии «Сурхондарётелеком». Сегодня, когда силы международного терроризма и экстремизма покушаются на мир и спокойствие независимого Узбекистана, Комилжон не мог оставаться в стороне и решил выполнить свой конституционный долг перед Родиной.

И таких, как он, немало. Рядовой Абдимурад Хамраев окончил Навоийский государственный горный институт, рядовой Абдуманон Тураев — физкультурный факультет Термезского государственного университета, рядовой Мардон Рустамов — Ташкентский финансовый институт.

Их, еще только начинающих службу военных строителей, отличают серьезное отношение к освоению будущей специальности, высокая воинская дисциплина, стремление быть впереди, показывать хороший пример своим, пока еще не имеющим такой жизненной школы сослуживцам. Командование уверено: пройдет совсем немного времени и имеющие высшее образование военнослужащие станут хорошими младшими командирами, получат сержантские звания, будут надежными помощниками офицеров и прапорщиков в

(Окончание на 2-й стр.).

СЫНОВНЕЙ ВЕРНОСТИ СЛОВА

В минувшее воскресенье в жизни воинов части, которой командует майор Б. Ганпов, произошло знаменательное событие — новобранцы осеннего призыва приняли Военную присягу.

Целый месяц в войсковом приемнике они готовились к первому торжеству в своей воинской жизни — старательно осваивали премудрости четкого строевого шага, привыкали жить по распорядку армейских будней, строить отношения между собой и с командирами на основе общевоинских уставов.

И вот наконец этот день настал — один за другим перед строем сослуживцев новобранцы торжественно приносили свою клятву верности Родине. Вчерашние мальчишки четко и ответственно, по-взрослому зачитывали каждое слово присяги, заявляя перед товарищами о сыновней преданности независимому Узбекистану, его народу и Президенту, о готовности самоотверженно, с достоинством и честью защищать Отчизну. Они проникались пониманием того, что отныне им надо каждый день своего ратного труда сверять с этими словами, на каждом занятии доказывать делом верность воинскому долгу.

Об этом еще раз напомнил воинам-новобранцам заместитель командира части по воспитательной работе подполковник Н. Насыров, открывая торжественный митинг, посвященный принятию Военной присяги. Со словами поздравлений и пожеланий к новым членам армейской семьи обратились с трибуны командир взвода лейтенант М. Шакуров, начальник аппаратной лейтенант С. Мамадалиев, командир группы старшина по контракту Ф. Халиков, командир отделения младший сержант М. Джураев. Выступивший от имени новобранцев рядовой Х. Кадыров поблагодарил за теплые пожелания и заверил старших товарищей, что они постараются сохранять и приумножать славные традиции своего воинского коллектива, будут свято верны своему слову и воинскому долгу.

Старший лейтенант Р. МИНЛИШЕВ.
(По телефону).

● ОБУНА-2001

„ВАТАНПАРВАР" ГАЗЕТАСИ МУШТАРИЙЛАРИГА!

Қадрли дўстлар!

15 сентябрдан 2001 йил учун даврий нашрларга обуна бошланди.

Кутилган вақт келди, 2001 йил «Ватанпарвар» газетасига обуна бўлиб, газетамизга ўз содиқлигингизни намойиш этасиз, деган умиддамиз. Ишончимиз комилки, шундай бўлади.

«Ватанпарвар» газетаси бир йўла ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Газета мустақил Ўзбекистонимизда демократик жамият қуриш йўлида давлатимиз олиб бораётган сиёсат ўз ифодасини топган расмий материалларни тезкорлик билан чоп этади. Хабарларимизнинг қаҳрамонлари Ватанимизнинг қуролли ҳимоячилари — аскарлар, сержантлар, офицерлар ва генераллардир. Улар ўзларининг жанговар хизматларини мамлакатимизнинг турли бурчакларида ўташмоқда. Сиз газетамиз саҳифалари орқали мамлакатимиздаги ва чет эллардаги машҳур одамлар билан сиртдан танишасиз. Газета ҳар куни ўзгариб турган ҳарбий-сиёсий вазиятни тез илғаб олади, илмий-техника янгиликлари, ҳарбий-техника шарҳларини мунтазам равишда ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиб боради. Республикамиз ҳаётида юз бераётган воқеалар журналистларимизнинг доимий диққат марказида турибди. Улар Республикамизда юз бераётган барча ижобий ўзгаришлар ҳақида қизиқарли материаллар тайёрлашмоқда. Газетамизда ҳар ҳафтада Ўзбекистон телевиденеси ва бир нечта Россия телевиденеси каналларининг дастурлари, ҳинд мунажжимлари башоратлари, «Хамма ва ҳар бир киши учун» рукнида турли материаллар чоп этилмоқда. Газетамизнинг шанба сони ўқувчилари газета саҳифаларидан оила, ёшлар муаммолари, замонавий адабиёт ва санъат ҳамда бошқа қизиқарли мавзуларга оид материаллар ўқиши мумкин.

Тошкентда «Ватанпарвар» (индекс 114) газетасига обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

а) ҳарбий қисм ва муассасалар ҳамда почтада абонемент кутиси бор якка обуначилар учун:
1 ойга — 429 сўм;
3 ойга — 1287 сўм;
6 ойга — 2574 сўм;
12 ойга — 5148 сўм;
б) уй адресига обуна бўлувчилар учун:
1 ойга — 598 сўм;
3 ойга — 1794 сўм;
6 ойга — 3588 сўм;
12 ойга — 7176 сўм.

Газетани бевосита нашриётдан ўзлари олиб кетадиган ҳарбий қисм ва муассасалар учун:
1 ойга — 400 сўм;
3 ойга — 1200 сўм;
6 ойга — 2400 сўм;
12 ойга — 4800 сўм.

Республикамиз туманларининг ҳар бири учун обуна баҳоси газетанинг тарқатишдаги мавжуд сарф-харажатларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида белгиланади. «Ватанпарвар» газетасига маҳаллий почта бўлимлари ёки бевосита нашриётнинг ўзи орқали обуна бўлиш мумкин.

Бизнинг адрес: 700031, Тошкент-31 ш., Д. Қўнаев, 21.

ТАҲРИРИЯТ.

ДОЙТИ ДО КАЖДОГО

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

тавлены очередные задачи на новый учебный год.

Инструкторско-методическое занятие по организации проведения учебы в системе общественно-политического информирования с руководителями групп провел заместитель командира части по воспитательной работе подполковник Н. Насыров. Он обратил внимание подчиненных на необходимость активного использования при подготовке и в ходе занятий публикаций в прессе, сбора интересных подробностей.

Затем показное занятие по теме «Зарождение и становление государственности в Средней Азии, борьба с захватчиками» провел со слушателями сборов капитан Б. Абдушбаев. Опытный офицер показал коллегам, как надо концентрировать внимание обучаемых на предлагаемой теме, заинтересовать каждого воина в существе обсуждаемых вопросов.

«Особенности военно-политической обстановки в регионе, угрозы национальной безопасности Узбекистана со стороны религиозного экстремизма и фундаментализма» — на эту тему выступил старший лейтенант Р. Рахмонов. Актуальность ее обусловила живой интерес слушателей. Это выступление было подкреплено примерами об участии некоторых подразделений наших Вооруженных Сил в боевых столкновениях с бандформированиями международных террористов на территории столичного и Сурхандарьинского вилоятов.

В кругу рассмотренных на сборах вопросов — порядок самостоятельной подготовки руководителя группы к очередному занятию, оформления журналов, учета посещаемости занятий, подготовка методической литературы и многие другие. С коллегами также поделились практическим опытом капитаны Б. Адылов, Х. Кадыров и А. Рахимов, чьи группы общественно-политической подготовки по итогам года названы в числе лучших.

Воспитывать истинных патриотов Родины, самоотверженно несущих свою воинскую службу, — для выполнения этой важной задачи от офицера-воспитателя требуется большое профессиональное мастерство. А главное — умение донести свои слова до сердца каждого воина.

Майор А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

● С МЕСТА СОБЫТИЯ

ГЛУБОКИЙ СМЫСЛ СВЯЩЕННЫХ СЛОВ

Минувшие выходные в Восточном военном округе ознаменовались поистине незабываемым событием и в первую очередь для тех, кто совсем недавно надел военную форму: будущие десантники перед лицом своих товарищей присягнули на верность народу и Президенту, клятвенно заверив их в своей готовности до последней капли крови защищать родную землю от всевозможных посягательств.

Для того, чтобы с гордостью носить голубой берет и тельняшку, одного желания мало. В строй десантных подразделений становятся крепкие, выносливые ребята, те, кто не просто жил ожиданием повестки из отдела по делам обороны, а тщательно готовился к службе в армии, закаляя свою волю и характер, грезя мечтой подняться в небо. Именно такие парни пополнили сегодня сплоченный, дружный коллектив десантников, возглавляемый майором Р. Дадабаевым. А потому гордостью наполнялись сердца многочисленной родительской аудитории, приехавшей разделить сыновью радость, видя в своих вчерашних мальчишках повзрослевших, возмужавших воинов, которые за два месяца научились многому, а главное — сердцем прочувствовали всю значимость своего священного долга.

Над строевым плацем, утопавшем в разноцветье цветов, эхом отдаются слова, вслушиваясь в смысл которых, веришь: нет, никому и никогда не будет позволено нарушить нашу мирную жизнь, да и к тому же звучат они из уст верных сыновей своей земли, которая взрастила и воспитала их, наполнила силой и чувством безграничной любви.

— Мне трудно совладать сейчас с чувствами, овладевшими мною, порой кажется, что я стал совсем другим,— делится впечатлениями рядовой М. Хасанов.— В школе, институте очень много рассказывали нам об армии, но только здесь понял, какая это великая сила. Ощутив себя звеном большой, единой цепи, уверен: ни на шаг не отступлю от произнесенных сегодня слов присяги...

— С болью в сердце несколько месяцев тому назад вслушивались мы в репортажи, которые, словно фронтовые сводки, поступали из Сурхандарьинского вилоята,— говорит рядовой Р. Тураев.— Наравне с родными переживали горечь утрат тех, кто отдал самое святое — жизнь за мир и покой. И уже тогда неоднократно задавался вопросом: а как бы поступил я? Теперь знаю точно: смело шагну навстречу опасности, и сделаю так, как велит священная клятва...

Искренне звучат заверения молодых солдат, и мы верим им, верим в их преданность и святость, верим в мужество и силу настоящих мужчин, способных с честью выполнить требование матерей, требование Родины — сберечь мир и веру в светлое будущее.

Младший сержант по контракту
Наргиза БЕРДЫЕВА.

ПРИСЯГАЮТ ВОИНЫ-СОЗИДАТЕЛИ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

деле обучения и воспитания солдат и сержантов.

Есть среди новичков и юноши, уже владеющие определенными специальностями. Рядовой Денис Куприянов, призванный из Самарканда, до службы в армии работал сварщиком, бухарец Алишер Закиров — помощником мастера. Что же касается тех, кто еще не имеет никакой специальности, то здесь они имеют возможность получить до 20 различных военно-строительных профессий—от каменщика и плиточника до машиниста башенного крана.

Встал в строй последний принявший присягу новобранец, и командир части подполковник В. Гюльгасанов поздравляет личный состав с принятием Военной присяги. Троекратное «ура» громом раскатывается по плацу.

Новобранцев также поздравляют заместитель начальника ГУВИСФ по воспитательной работе полковник Ш. Эргашев, мать солдата Мухаббат Ибрагимова, отец солдата Бахром Холмирзаев. Родители специально приехали в этот день в часть, чтобы присутствовать на столь важном в жизни их сыновей событии.

Рядовые Толиб Курбатов и Шермат Примов от имени принявших присягу воинов сердечно благодарят присутствующих за поздравления и от души заверяют их, что будут достойными воинами Вооруженных Сил, приложат все силы для освоения нелегкой профессии военного строителя, останутся верны священным словам Военной присяги до конца жизни.

После завершения торжественной церемонии принятия Военной присяги командир распустил строй, родственники и друзья поспешили поздравить новобранцев. Что думают в этот торжественный день его главные участники?

— Я пошел в армию с большой охотой, — сказал в беседе рядовой Денис Куприянов. — И первые недели службы меня не разочаровали. Старший лейтенант З. Султонсаидов и прапорщик Ш. Тураев успешно заменяют нам родителей, заботятся о каждом подчиненном. Днем мы осваиваем военное дело, будущую специальность, вечером есть возможность и телевизор посмотреть, и с друзьями пообщаться. Уже сейчас у меня появилось очень много хороших друзей, вместе с которыми мы готовы служить Узбекистану там, где это необходимо.

— Приняв Военную присягу, — говорит рядовой Жанабай Адилов, призванный из Каракалпакстана,— мы в полной мере ощутили ту ответственность, которая ложится на наши плечи. Понимание того, что солдат не может нарушить данную народу и Президенту клятву, по моему мнению, является основой всей воинской службы, фундаментом, на котором строится наше отношение к выполнению воинского долга. Полтора года службы — не такой уж и большой срок. Мы постараемся использовать его так, чтобы стать настоящими мужчинами, достойными защитниками родного Узбекистана.

Подполковник
В. КАЛОШИН.

На снимках: Военную присягу принимает военный строитель Комилжон Маллаев (на 1-й стр.). рядового Изиза Мараимова поздравляет с принятием Военной присяги его мать Махбуба Мараимова, приехавшая на торжество из Сурхандарьинского вилоята.

Фото **К. ТУРАЕВА.**

Харбий-сиёсий янгиликлар

КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

БМТ Хавфсизлик кенгаши Сьерра-Леонедаги урушаётган томонлар ўртасида ўт очишни тўхатиш тўғрисида келишувга эришилганидан мамнуният билдирди. Кенгаш раиси Питер ван Валсумнинг айтишича, мазкур ҳужжатнинг имзоланиши БМТ ва Ғарбий Африка мамлакатлари иқтисодий ҳамжамияти воситачилигининг самарасидир. Хавфсизлик кенгаши томонларни битим шартларига қатъий амал қилишга даъват этади, деди Питер ван Валсум.

ҲАММАГА ҲАМ МАЪҚУЛ ЭМАС

Европа Иттифоқининг (ЕИ) Ницца шаҳрида 7—8 декабрь кунлари бўлиб ўтадиган саммитига қадар НАТО билан ЕИ ўртасида мудофаа соҳасида жавобгарлик ва захираларни тақсимлаш ҳақида битим имзоланади. НАТО Бош котиби Жорж Робертсон шуни маълум қилди.

ЕИнинг 15 мамлакати 2003 йилга бориб, тинчликни сақлаш бўйича операциялар ўтказувчи мустақил тезкор қўшин тузишга қарор қилган. Шу муносабат билан улар бундай операцияларда НАТОнинг ҳарбий захираларидан фойдаланиш борасида алянс билан битим тузишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ НАТОнинг ЕИга қўшилмаган баъзи аъзолари, жумладан, Туркия ва Исландия буни хоҳламаяпти. АҚШ уларни қўллаб-қувватламоқда.

БУЮК БРИТАНИЯ ҚАРШИ

Буюк Британия мудофаа вазирлиги Европа Иттифоқининг (ЕИ) ягона қуролли кучларини яратиш ғоясига қарши чиқди. Мамлакат мудофаа маҳкамаси раҳбари Жеффи Хуннинг айтишича, Бирлашган қироллик ЕИ доирасида ҳарбий ҳамкорликни кучайтиришдагина иштирок этиши мумкин. Баъзи жиҳатларни ҳисобга олмаганда, қитъа давлатлари армиялари бирлашиш учун зарур хусусиятларга эга эмас, деди у.

ХАВФЛИ ДАФН МАРОСИМЛАРИ

Эбола безгагидан 110 нафар фуқароси вафот этган Уганда Кения ҳукуматини мазкур касаллик унинг ҳудудида ҳам тарқалиши мумкинлигидан огоҳлантирди. Кениялик етти киши Угандада мазкур касалликдан ўлган қариндошининг дафн маросимида иштирок этган эди. Гап шундаки, хаста киши соғлом одамга тегиб кетганда ҳам Эболани юқтираверади. Дафн маросимлари эса касаллик тарқалишининг асосий манбаъларидан бири бўлиб қолди.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди.

ЭЗГУЛИКНИНГ ИЛК МЕВАСИ

Баҳодир одатдагидан-да барвақт хизматга отланди. Мўлжаллаган ишларини тезроқ тугатиб, командирларидан рухсат сўрамоқчи эди-да. Ахир бугун 17 ноябрь — унинг туғилган куни. Кечга томон уйига уни табриклаш учун ёру биродарлари келиши мумкин. Бозор-ўчар дегандек...

Ҳарбий қисм сари кетиб борар экан, туғилган куни билан боғлиқ ташвишлар ўрнини бошқаси эгаллади. Яъни қўл остидаги ёш аскарлар. «Кеча уйга қайтаётиб, кичик сержант Ихтиёр Қурбоновга «ёш аскар Ғулом Боймуродов билан дилдан суҳбатлашиб кўр, бир оз ғамгинроқми-ей, дегандим. Нима қилди экан? Оддий аскар Бахтиёр Жабборов анчадан бери уйига хат ёзмабди, бир оз ғаширганди. Топшириқни бажардимикин?». Бундайин ўйҳаёллар жамоасига етиб боргунича катта лейтенант Баҳодир Жўраевни таъқиб этишла давом этди.

Баҳодирнинг биринчи бор ёш аскарлар йиғинида масъул вазифага — взвод командири вазифасига тайинланиши. Катта лейтенант, тажрибага эга бўлмаган ёш аскарлар билан ишлаш толиқтирганда, «нима қиларим бундай масъулиятли вазифани бўйнимга олиб?», дея ўз-ўзига савол берган пайтлар ҳам бўлди. Аммо қилган ишларининг самарасини кўрганда бундай хаёллар ўз-ўзидан тарқалиб кетади. Мана, яқинда қўмондонликдан вакиллар келишиб, ёш посбонлар ҳаёти билан танишишди, улар билан суҳбатлашишди. Шунқорлар Баҳодирни уялтириб кўйишмади. Ўтилган машғулотлардан муайян кўникмаларга эга бўлишганини кўрсатишди.

Катта лейтенант Б. Жўраев казармага киринганида навбатчиликни ўтаётган посбон Низомда кўрсатилганидек командирига рапорт берди. Аскарлар аллақачон эрталабки жисмоний машғулотларни бажаришга кетишган. Баҳодир одатига кўра казармага бир-бир назар ташлаб чиқди. Кирганида хаёл билан бўлиб-ми, анави кичик плакатга кўзи тушмабди. «Баракалла», деди ичида кичик командирларга миннатдорчилик билдириб, катта лейтенант. «Кичик командирлар ёш аскарларни тарбиялаш учун навбатдаги плакатни чиқаришгандир-да», деб ўйлади у, даставвал. Аммо «улар мендан берухсат бундай ишларга жазм этмасди-ку», деган ўй командирни ҳушёр торттирди. Яқинроқ борибди билдики, бу ёш аскарлар взводининг — қўл остидаги посбонларнинг табриги экан. Бундан Баҳодирнинг кўнгли ёришиб кетди. Ахир у ёш аскарларга нафақат харбий соҳа сир-синоатларидан, балки, инсонийлик илмидан-да сабоқ бераётган эди-да.

Кўнглини нурафшон этган нарса ўзи сочган эзгулик уруғининг дастлабки меваси эди.

Катта лейтенант
С. АЛИЕВ.

Мардларнинг онтидир Қасамёд

Республика Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида ҳарбий Қасамёд қабул қилишнинг навбатдаги тантанаси. Бунинг расмий қисмини кузатишдан кўра, Қасамёд қабул қилаётган ўғлонларнинг, уларга ишонч, умид, ҳаяжон билан тикилиб турган яқинларининг фикрларини билиш мени кўпроқ қизиқтирди. Зеро, бугун Ватанни ҳимоя қилиш — асл мардлар касбига айланиб бораётгани рост.

Отаҳонинг нигоҳлари олазарак. Йигитлар ичида бақуввати, норғул унинг неварасн бўлиши керак. Аммо неваранинг таниб олмади. Ахир сафда турганларнинг бари ўктам, бари норғул-да.

— Амаки, неварангизни табриклашга келдингизми?

— Ҳа, болам. Бироқ кўзим хиралашганми. Йигитларнинг бари бир-бирига ўхшайди, тополмаяпман.

Маълум бўлишича, 75 ёшли Обид ота Каримов истеъфодаги майор экан. Ўғли ҳам офицер. Ҳозир эса курсантлик либосини кийиб, ҳарбий Қасамёд қабул қилишга чоғланган невараси Санжар Каримовни қутлашга келган. Сардор исмли яна бир невараси ҳадемай мазкур билим юртини тугатади. Хуллас, бу сулоланинг бошида турган Обид ота фарзанди, неваралари унинг йўлини давом эттираётгани, шу озод ва мустақил Ватанга хизмат қилишга бел боғлашгани учун ҳам руҳан тетик, кўксини мағрур тутиб юрибди.

— Хў ана, сафнинг учинчи қатори, чапдан биринчи. Менинг дўстим Хуршид Садриддинов бўлади, у. Иккаламиз бирга келувдик билим юртига. Дўстимнинг билими, имкониятлари меникидан устун экан. Кейинги йил яна ҳаракат қиламан. Уни табриклашга келганман ҳозир, — дейди Нодир Раҳимов ёнидагиларга.

Мунира опа Ортиқалиева Бўстонлиқдан келган. Курсант ўғли Муҳаммад Ортиқалиевнинг қувончли кунига шерик бўлгани. «Ўзи қизиқиб шу соҳани танлаган. Илоҳим юртига садоқат билан хизмат қилсин», — дуога қўл очади она.

Одил ака Сайдикаримов ёзда мазкур ҳарбий билим юртига такрор келади. Нетаки, ўғли Озод лейтенантлик погонини елкасига тақади. Ҳозир эса ўғли Алишер Президентига, халқига содиқ қолиш ҳақида Қасамёд қилаяпти.

Самарқанднинг Челак туманидан мазкур тантанага етиб келган Облоқул ака ва Клара опаларнинг қувончлари ўзгача.

— Бугун тўнғич ўғлимиз Наврўзжон Эрназаров ҳарбий Қасамёд қабул қилаяпти. Тақдирни қаранг, бугун турмуш қурганимизга ҳам 25 йил тўлди. 3 қиз, 5 ўғил ва 2 неварамиз бор. Мен маҳалла қўмитасининг раисиман. Маҳалламиз мисолида оладиган бўлсам, йигитларимизда Ватан ҳимоячиси бўлишга ҳавас ортиб бораяпти. Ўғлимиз ҳам 1996 йилдан бери мазкур билим юртига кириш учун интилади. Мана, муддатли ҳарбий хизматни тугатиб келиб, ниятига эришди, — дейди ота қувончини улашишга мендек шерик топганидан яйраб.

Ҳозиргина Қасамёд қабул қилган Одил отанинг невараси курсант Санжар Каримов, шунингдек, курсант Дмитрий Праведников дўстларини табриклашиб, Ватаннинг муносиб ҳимоячилари бўлишга сўз беришди.

Қолаверса, ҳарбий Қасамёд қабул қилган курсантлар билим юрти бошлиғи генерал-майор Ш. Ниёзов, Ички ишлар вазири ўринбосари полковник Р. Қодиров, истеъфодаги генерал-майор Ғ. Раҳимов, ота-оналар, фахрийларнинг табрикларига кўмилишди.

Катта лейтенант
А. САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● В ПОГРАНИЧНЫХ ВОЙСКАХ

НЕ ПРЕВЫШАЯ НОРМУ

Собрался в гости в соседнюю республику гражданин Н. Саманжанов. Загрузив в «Жигули» 150 кг сахара, 20 кг вермишели и мешок соли, пустился в путь по окольной дороге. Когда его задержал пограничный наряд во главе с рядовым Ш. Абдуллаевым, владелец груза не смог ответить на вопросы, почему «гостинцы» превышают установленную норму вывоза за пределы республики продуктов питания и почему проселочная дорога оказалась ему более удобнее, чем асфальтовая через автодорожный пункт пограничного контроля.

Выяснением этого теперь занимаются компетентные органы.

Майор Ш. КАРИМБАЕВ.

НЕ ОБМАНИ...

Ежедневно сотни наших граждан пересекают воздушные границы республики, направляясь по делам, на отдых, лечение. Но отдельным не «везет». Так, недавно при проведении паспортного контроля сержантом А. Кузиным выявлена гражданка Д. Хашимова с чужим паспортом, где наклеено ее фото, а сержант Т. Шодиев задержал гражданку А. Усманову с паспортом другого лица. Эти горе-пассажиры так и не улетели рейсом «Ташкент — Шарджа».

Майор К. ШИРИНОВ.

ЖАНГОВАР ШАЙЛИК ТАРБИЯДАН БОШЛАНАДИ

Илгари хабар берганимиздек, яқинда Тошкент ва Чирчиқ гарнизонлари ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳ раҳбарларининг янги қуплик йиғини бўлиб ўтди. Йиғинда тарбиячи офицерларнинг якун топган ўқув йилида эришган ютуқлари, йўл қўйган хато-камчиликлари борасида очиқча гаплашиб олинди. Олдда турган вазифалар белгиланди.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари генерал-майор Қосимжон Мамедовнинг «Ижтимоий-сиёсий тайёргарликнинг 1999—2000 ўқув йили якунлари ва унинг шахсий таркибни ватанпарварлик, маънавий ахлоқий, ҳарбий ҳамда ҳуқуқий тарбияда, жанговар шайликни оширишда, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда тутган ўрни» мавзусидаги маърузаси тарбиячи офицерларда катта қизиқиш уйготди. Қуйида ана шу маърузада ўз ифодасини топган хулосалар, вазифалар борасида фикр юритамиз.

Президентимиз — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримов шундай дейди: «Бугунги кунда харбий сафларга мустақиллик йилларида шаклланган ёшлар келмоқда. Уларни харбий бурчни чуқур англаш, агар лозим бўлса, Ватан ҳимояси учун жон фидо этишга ҳам тайёрлик каби олижаноб фазилатлар ажратиб туради.

Армиямизнинг мингларлаб йигитлар учун чиндам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби бўлиб қолгани қувонарлидир».

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, армиямиз чиндам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактабидир. Бу мактабда тарбиявий ишлар билан шуғулланувчи офицернинг зиммасида жуда масъулиятли вазифа турали. Барча ютуқларнинг калити тарбияга боғлиқ. Жанговар шайлик ҳам тарбиядан бошланади. Тарбиячи офицернинг деярли бўш вақти йўқ. Гапнинг рости зарурат туғилса, у шанба, якшанба кунини ҳам аскарлар ёнида ўтказади. Шунчаки аскарлар кун тартибини қандай бажаришни кузатгани эмас, қўлида мукаммал, тартибга солинган режа бўлади, тарбиячи офицернинг.

Аскарнинг дам олиш кунини ташкил этиш, уни сермазмун ўтказиш, бу — айтишга осон. Аслида унинг замирида катта меҳнат, катта изланиш ётади.

Тарбиячи офицер фақат аскарларнинг дам олиш кунини қандай ўтказишни ташкил этувчи эмас, балки у шахсий таркибнинг ўқитувчиси, устози ҳамдир. Аскар ҳар қандай савол билан мурожаат этиб, албатта жавоб олиши шарт. Аскарнинг юриш-туриши, муомаласи, бўш вақтини қандай ўтказиши, ота-онасига ўз вақтида хат ёзиб туриши, сафдошларига муносабати. Низом қоидаларига қандай риоя қилаётганлиги ҳамиша ўша устознинг назоратида, кузатувида бўлмоғи керак.

Жонажон Ўзбекистонимизда қанча оила бўлса, шунча ўзига хослик мавжуд. Ҳеч бир оила бир-бирини такрорламайди. Ҳар бир оиланинг бола тарбиялашда ўз йўналиши, ўз фалсафаси бор. Шундай бўлгач, ҳар бир посбонга ўз талабидан келиб чиқиб ёндашмоқ лозим-да.

Тарбия жараёни мураккаб жараён. Бу — тарбиячи офицердан кўп нарса талаб этади: вақт, билим, маънавий етуклик, маданият. Посбонларимизни миллий ғоя, миллий мафкура билан қуроллантирмоқчи бўлган тарбиячи офицернинг ўзи аввало уни яхши тушуниб олмоғи шарт.

Айни чоғда Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш муваффақиятли амалга оширилмоқда. Мудофаа Доктринаси асосида вужудга келтирилган мудофаа тизими ҳаётийлигини Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги воқеалар амалда кўрсатди. Барча қуролли тузилмалар ҳаракатини яна-да такомиллаштириш мақсадида Қуролли Кучлар Бирлашган штаби тузилди. Мудофаа вазирлиги бошқарув тизими ҳам такомиллаштирилмоқда. Шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси Тарбиявий ишлар бош бошқармасига айлантирилди. Бош бошқарма таркибида тарбиявий ишлар бошқармаси, ижтимоий-руҳий ва ҳуқуқий ишлар бошқармаси, жамоат ва давлат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси ҳамда таълим бошқармаси тузилди.

Шуни таъкидлаш керакки, ислоҳотлар бошида инсон турибди. Шу сабабли ҳарбий ислоҳотлар ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиясининг барча жабҳаларини такомиллаштиришни, ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ҳиссини вужудга келтириш, интизомлилик сифатларини шакллантириш, жанговар шайликни ошириш, командирлар, шахсий таркиб билан ишлаш ташкилотлари, барча ҳарбий кадрларни педагогик-психологик билимларини кенгайтириш, уларда раҳбарлик маданиятини ошириш, касбий билимларини чуқурлаштиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов армия ислоҳоти борасида Қуролли Кучлар шахсий таркиби олдига катта вазифалар қўйди. Шу боис келаётган янги 2000—2001 ўқув йили яна-да мураккаб ва масъулиятли бўлади. Шуларни инобатга олган ҳолда янги ўқув йилида қуйидаги вазифалар олдимизда турибди:

— Қуролли Кучлар ташкилий тузилишини яна-да такомиллаштириш, бошқарувда ҳарбий округлар, тезкор қўмондонликлар ролини ошириш;

— янги штат тизимига ўтиш;

— тарбиявий ишда эътиборни миллий ғоя ва миллий мафкурани шахсий таркиб онгига чуқур сингдириш, уларнинг дунёқарашида ҳуқуқий-демократик давлат тамойилларини шакллантириш;

— ғоявий курашда асосий йўналишни умуминсоний ва миллий қадриятларимиз, муқаддас ислом дини ғояларига зид ҳозирги диний оқимларастлар ғояларига қарши курашиб, тарихимизни чуқур ўрганиш;

— миллий мустақиллик моҳиятини кенг таргиб этиш, — армия ва жамоатчиликнинг ўзаро алоқаларини яна-да кучайтириш;

— ҳарбий таълим сифатини яна-да ошириш;

— таълим жараёнида олий ҳарбий билим юртларида ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчиларининг фаоллигини ошириш, «Ватанпарвар» газетаси саҳифаларида ҳар ойда бир марта маънавий-маърифий, ғоявий, тарбиявий мавзудаги мақолалар билан мунтазам чиқишни амалга ошириш.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик олдида турган вазифалар:

биринчидан, шахсий таркиб халқимизнинг миллий қадриятларини, қаҳрамонона тарихини, озодлик кураши фидойилари ҳаётини, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини, ҳарбий қурилиш масалаларини, Қонуний ҳужжатларни, Президентимиз асарларини чуқур ўрганган ҳолда ҳарбий хизматчиларда она-Ватанга муҳаббат ҳиссини уйготиш, юқори руҳий-жанговарликни шакллантириш, ҳарбий касб устаси ва ҳарбий бурчни бажариш фидойиси қилиб тарбиялашга эришмоғимиз лозим. Ҳар бир аскар Ватан, халқ унга Сен ҳимоячимсан, деб қараб турганини билсин;

иккинчидан, Мудофаа вазирининг буйрутига биноан ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларини ташкил этиш қисм командирининг зиммасига юклатилади. Қисм командири машғулотларни ўтказиш учун ҳар томонлама тайёрланган, билимли офицерларни танлаши, бу ишга штаб офицерларини жалб қилиш ва буйруқ асосида гуруҳларга бириктириши лозим;

учинчидан, янги ўқув мавсуми бошлангунча ушбу тайёргарликни ташкил этиш борасидаги барча ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, суҳбат матнлари, гуруҳ журналлари тайёрлаб қўйилиши шарт;

тўртинчидан, янги ўқув мавсуми бошлангунча тарбиявий ишларда асосий эътиборни шахсий таркибга Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, мамлакатимиз тинчлигини ва суверенитетини сақлашда, демократик давлат қуришда армиямиз тутган ўрни ва ролини тушунтиришга, мустаҳкам интизом ўрнатишга, ёш аскарларни ҳарбий жамоага қабул қилиш, аскарлик ҳаётига кўниктириш, дўстликни мустаҳкамлашга қаратмоқ керак.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари режаси ишлаб чиқилди. «Мустақил Ўзбекистон ҳимояси йўлида» ўқув-услубий қўлланма қайта ишланди. Бу китобда ҳар бир мавзу бўйича батафсил маълумотлар берилган.

Майор А. ОБРУЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

УЧАТСЯ ОФИЦЕРЫ-ВОСПИТАТЕЛИ

В Термезском гарнизоне прошли сборы руководителей групп общественно-политической подготовки.

Первым перед слушателями сборов выступил подполковник Ш. Норматов. Затем обстоятельный анализ итогов общественно-политической подготовки личного состава в минувшем учебном году сделал в своем докладе полковник С. Турсунов.

Вслед за этим офицеры-воспитатели обменялись опытом. «Методика организации и проведения занятий по общественно-политической подготовке» — такова была тема выступления заместителя командира части по воспитательной работе майора Р. Нодирова. А его коллега майор А. Таджиев рассказал о роли проводимых занятий в патриотическом и духовно-нравственном воспитании воинов. «Сплочение воинских коллективов, искоренение негативных явлений и укрепление воинской дисциплины в ходе занятий» — тема выступления капитана И. Маллаева.

С последней темой оказалось созвучным и выступление военного прокурора гарнизона майора юстиции А. Кенжаева — он рассказал о состоянии воинской дисциплины в подразделениях Термезского гарнизона с подробным анализом динамики наиболее характерных процессов по заранее подготовленным плакатам, схемам.

Особое внимание было уделено теме бдительности. Так, о формах и способах проявления религиозного экстремизма и терроризма в Центральноазиатском регионе и необходимости усиления борьбы с их проявлениями поведал собравшимся майор Т. Маматалиев. С особенностями военно-политической обстановки в регионе, угрозами национальной безопасности Узбекистана и задачами офицерского состава по мобилизации подчиненных на поддержание высокой боевой готовности ознакомил слушателей майор Е. Ходжимурадов.

Перед участниками сборов также выступил представитель Сурхандарьинского областного подразделения республиканского центра «Маънавият ва маърифат» Б. Эргашев.

Это мероприятие, проведенное в гарнизонном Доме офицеров, дало возможность офицерам-воспитателям обменяться служебным опытом, вооружиться новыми знаниями, чтобы в предстоящем новом учебном году на более высоком уровне вести работу по воспитанию личного состава в духе патриотизма и верности независимому Узбекистану.

Майор А. НУРОВ.

● ИЖТИМОИЙ-СИЕСИЙ ТАЙЕРГАРЛИК ГУРУҲЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА ЕРДАМ

МИНТАҚАДА ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА ШАХСИЙ ТАРКИБНИНГ ЮКСАК ЖАНГОВАР ШАЙЛИК, ҲУШЁРЛИК ҲАМДА ИНТИЗОМНИ МУСТАҲКАМ САҚЛАШДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Шахсий таркибнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ўқув режасига мувофиқ янги ўқув йилининг илк машғулоти барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларга «Минтақада ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хослиги ва шахсий таркибнинг юксак жанговар шайлик, ҳушёрлик ҳамда ҳарбий интизомни мустаҳкам сақлашдаги вазифалари» мавзуси билан бошланади. Мавзуни ўрганишга 4 соатлик ўқув вақти ажратилади.

Мазкур мавзу янги 2001 ўқув йилидаги жанговар-ўқув тайёргарликлари курсига кириш ҳисобланади. У минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хослигини очиб берар экан, Қуролли Кучлар шахсий таркибига Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби томонидан қўйилган вазифаларни бажаришни таъкидлайди.

Ушбу мавзу улкан сиёсий аҳамиятга эга. Аввало унинг Марказий Осиё минтақаси учун муҳимлигини, Ўзбекистон Республикасининг ундаги улкан, ҳал қилувчи ролини ва жаҳон ҳамжамиятида ҳар томонлама шаклланиб бораётган аҳамиятини англамоқ лозим. Шунингдек, мавзуни ўрганиш Мудофаа вазири қўйган вазифаларни чуқур ва атрофлича англашда улкан амалий аҳамият касб этади. Унинг барча

нинг мувозанатини белгиловчи муҳим давлат ҳисобланади.

Президентимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида шундай ёзади: **«Бир нарса равшанки, барқарорлик ва жўғрофий-сиёсий мувозанат сақланиб қолган шароитдагина бу минтақа жўшқин ва собитқадам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўла олади».**

Бугун мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини ҳар томонлама ислоҳотлаштиришдаги катта ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш учун, шунингдек, минтақадаги бошқа мамлакатлар учун ҳам мустаҳкам тинчлик, барқарорлик керак. **Тинчлик ва барқарорликни, фуқаролик ва миллатлараро келишувни таъминлаш мамлакатимиз учун нуфузли вазифага айланмоқда.**

Аммо минтақадаги вазият кескинлигича қолмоқда ва бу нафақат минтақа мамлакатлари, балки дунё ҳамжамиятида ҳам ташвиш туғдирмоқда. Ҳарбий-сиёсий кескинликнинг асосий манбаи қуйидагилар:

— Афғонистондаги ҳарбий можаро эскалацияси — афғон халқига беҳисоб фалокат олиб келган, 20 йилдан зиёд давом этаётган биродаркушлик уруши;

— Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги конфронтация;

— Эрон-Ироқ, Эрон-Афғон ва Ироқ-Қувайтнинг мувофиқлашмаган муносабати;

— ҳозирги афғон-тожик чегарасидаги вазиятнинг барқарорлашувдан узоқлиги.

Минтақадаги кескинликнинг умумий манзараси ана шундай. Аммо биз бевосита ўз минтақамиздаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ҳақида гапирганда, қуйидаги омилларни назарда тутмоғимиз лозим:

биринчидан, 20 йилдан ортиқ давом этаётган Афғонистондаги уруш бевосита Ўзбекистон чегаралари яқинида содир бўлмоқда. Шунингдек, барчага маълумки, Афғонистоннинг «Толибон» ҳаракати назоратидаги ҳудудда қўпорувчи-террорчи лагерлар мавжуд бўлиб, уларда минтақа мамлакатлари — Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистонга жўнатиладиган қўпорувчи-террорчилар, қолаверса, дунёнинг бошқа мамлакатларидаги экстремистик, террорчи марказларнинг қўпорувчилик мақсадларини амалга ошириш учун каллакесарлар тайёрланади. **Афғонистон босқичи ва террорчи гуруҳларни тайёрловчи уяга айланди.**

Иккинчидан. Бизнинг минтақа орқали, аввало Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудлари орқали гиёҳванд моддалар йўли ҳосил қилинган, бу йўлдан асосан Афғонистондан гиёҳванд моддалар келмоқда. **Гиёҳванд моддалар ва қуролларнинг ноқонуний савдоси нафақат минтақа мамлакатларига, балки бутун дунё давлатларига жиддий хавф солмоқда.** Шуни эътибордан чиқармаслик керакки, гиёҳвандлик билан шуғулланувчилар, гиёҳвандликни ҳимоя қилувчилар бизнинг минтақа орқали гиёҳванд моддаларни олиб ўтиш учун ўзлари учун қулай бўлган барча воситалар билан курашмоқда. Чунки улар Қозоғистон, Россия ва Европада яхшигина бозор очишган.

Учинчидан. Минтақа мамлакатларига Тожикистоннинг жанубий ҳудудларида бошпана топишган жангарилар жиддий хавф туғдирмоқда. Улар фақатгина иккі қардош халқни бир-бирига қарши қўйишга ҳаракат қилишаётгани йўқ, кези келганда Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларига суқилиб кириша ҳам уринишмоқда, бу жойларда истиқомат қилишаётган халқларга қарши тажовуз қилишмоқда, чегаларни бузишмоқда, бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкишмоқда. Шуни ҳам ёддан чиқармаслик керакки, Тожикистонда узоқни кўролмайдиган амалдорлар ва иккиюзламачи мансабдорлар бор бўлиб, улар жангариларга ёрдам беришмоқда, йўл очиб беришмоқда, мақсадларига эришиш йўлида ҳамкорлик қилишмоқда. Бундай давлат манфаатларига зид иккиюзламачилар билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессиясида Президентимиз Ислом Каримов тожик халқига мурожаат қилиб шундай деди: **«Тожикистон заминига уй қуриб олган ёвуз илонларни, уларнинг қонхўр раҳбарлари, доҳий-раҳнамоларини даф этиш, бутунлай яксон қилиш бе-лангина эл-юрт тинчлигини, халқларимизнинг асрлар бўйи давом этиб келаётган дўстлигини ва аҳиллигини сақлаб қолиш мумкин».** Бу хусусиятлар бизнинг доимий эътиборимизда ва амалий ҳаракатларимизда ўз ифодасини топмоғи керак.

Тўртинчидан. Минтақадаги беқарор ҳарбий-сиёсий вазият террорчилар ва экстремистларнинг бу йил фаоллашганлиги туфайлидир. Бани Қирғизистоннинг Боткен вилояти, шунингдек, Ўзбекистонда фақатгина жангарилар гуруҳларининг ортганлиги эмас, уларнинг турли томонлардан қилаётган ҳаракатлари ҳам кўрсатиб турибди. Улар ўз ҳаракатларига оммавий тус беришга уринмоқдалар. Бироқ, улар қанчалик ваҳший қиёфага кирмасин, бир фронт бўйлаб ҳаракат қилиш ниятлари амалга ошмайди. Боз устига, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва бизнинг қирғиз дўстларимиз уларнинг кўзларини мошдек очиб қўйишди, деб ўйлаймиз. Бу йил Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларида босқинчи гуруҳларга тез ва яксон этувчи зарба берилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат бошлиқларининг Бишкек учрашуви якунида қабул этилган Баёнотномада шундай дейилади: **«Биз қатъий баёнот берамизки, террорчилик ҳаракатларига халқаро нормаларга мувофиқ ўта зарур чоралар кўрилади».** Бу — мамлакатлар Қуролли Кучларини ҳамиша олдиларида турган вазифалар талаблари даражасида бўлишларини тақозо этмоқда.

Минтақадаги беқарор ҳарбий-сиёсий вазиятни юзага келтирган асосий факторлар ана шулардир. Бу — Ўзбекистонга, унинг қўлга киритган демократик тамойилларига ва минтақадаги бошқа мустақил давлатлар эркинликларига жиддий хавф солмоқда.

Минтақадаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазият тўғрисида гапирганда, минтақада тинчлик ва барқарорлик учун қатъий курашаётган Ўзбекистон Президенти ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. У минтақа давлатлари ўртасида алоқалар дўстона, ишчан ҳолда бўлишига, Афғонистондаги вазиятни яхшилашга катта куч, саъй-ҳаракат сарфламоқда. Юртбошимиз бир неча марта БМТ, ЕХҲТ, НАТО каби халқаро ташкилотларнинг диққат-эътиборини бизнинг минтақага, Афғонистонга қаратди. У бир неча бор, **дунёдаги биророта мамлакат Афғонистондан чиқаётган хавфдан кафолатланмаган** эканлигини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов дунё мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб халқаро терроризм ва диний экстремизм хавфига диққат-эътиборни қаратди. Унинг узлуксиз ва қатъий кураши самара берди. Бугун террорчиларга қаттиқ зарба беришни талаб қилаётган давлатлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Улар орасида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Россия, Хитой, Туркия, АҚШ, Украина ва дунёнинг бошқа кўпгина давлатлари бор. Халқаро террорчиларга қарши келишиб олишлик зарурлиги тўғрисида қатъий фикр Президентимизнинг Нью-Йоркдаги «Мингйиллик саммити»да янгради ва бу фикр Европа, Осиё ва Америка давлатлари раҳбарлари чиқишларида ҳам қайд этилди.

Ўзбекистон раҳбариятининг, шахсан Президентимиз Ислом Каримов минтақамизда тинчлик ва барқарорлик бўлиши учун астойдил курашмоқда. Бугун бу кураш ишчан, кенг кўлам ва етарли даражада самара касб этди. У қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

— экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш йўлида нуфузли халқаро ташкилотлар — БМТ, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, НАТОнинг иштирокини фаоллаштириш;

— минтақа мамлакатлари, аввало, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистоннинг халқаро терроризмга қарши кураш йўлида кучларини мувофиқлаштириш;

— ҳарбий ва ҳарбий-техник алоқаларни кенгайтириш йўлида Россия, АҚШ, Хитой, Марказий Осиё мамлакатлари, Туркия, Украина ва бошқа манфаатдор мамлакатлар алоқаларини кенгайтириш;

— Қуролли Кучларни ислоҳ этиш ва мустаҳкамлаш йўлида **Армияни ислоҳ этиш мавжуд хавфга қарши куч тариқасида, энг аввало халқаро терроризм ва диний экстремизм хавфига қарши турувчи куч сифатида амалга оширилмоқда.** Бу борада Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида содир бўлган воқеалардан хулосалар чиқарилди. Қуролли Кучлар қўмондонлиги тоғ шароитида жанговар ҳаракатлар қила оладиган бўлинмалар ташкил этишга катта эътибор бермоқда. Энг асосий эътибор армия шахсий таркибининг сонини оширишга эмас, унинг сифатини яхшилашга қаратилмоқда. Бизнинг Қуролли Кучларимиз тезкор, оператив, ҳар томонлама янги техника ва қуроллар билан таъминланган бўлиши керак.

Буларнинг бари шундан далолат бермоқдаки, Ўзбекистон умумий ва минтақавий хавфсизлик, минтақамизда тинчлик ва барқарорликнинг фаол курашчиси эди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг босқичма-босқич ва мақсадли ташқи сиёсати, унинг «Мингйиллик саммити»даги нутқи, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарлари учрашувидаги ташаббускорлиги, Туркманистон, Украина, Туркия давлат раҳбарлари билан бўлиб ўтган мулоқотларидаги ижобий натижалар жаҳон ва минтақанинг янги XXI асрдаги долзарб муаммоларини ҳал этишда мамлакатимизнинг роли, обрўси ва имкониятларини янада оширмоқда. Бу — биз ўзбекистонликлар, Қуролли Кучлар жангчиларида мустақил Ватанимиз билан фахрланиш, республика раҳбариятини, она заминни, буюк, истеъдодли халқимизни чин юрагидан севиш ҳиссини янада юксалтирмоқда.

Иккинчи саволни кўриб чиқишда шуни таъкидлаш жоизки, яқинда Қуролли Кучларимизда ўқув йили якунланди. Мавсумда жанговар, ижтимоий-сиёсий, жисмоний ва тактик тайёргарликлар бўйича олдимизга қўйилган вазифалар тўлиқ бажарилди. Жанговар-ўқув даврида ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги янада такомиллаштирилди. Ўқув йили якунлари, қўшинларда ўтказилган ўқув ва жанговар тадбирлар шундан далолат бермоқдаки, Қуролли Кучларимиз халқимизнинг тинчлигини, мустақиллигимизни, мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ишончли ҳимоя қилишга ҳамиша шай.

Қуролли Кучлар якунланган ўқув йилида Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳудудларига суқилиб кирган террорчи гуруҳларни яксон қилишда фаол иштирок этди. Душманга қарши курашда тезкорлик, мардлик ва ватанпарварликнинг юксак намунасини, ўз халқи ва Президентига содиқлигини, Ватаннинг муқаддас чегараларини ҳимоя қилиш йўлида ҳар қандай буйруқни бажаришга тайёр эканлигини намойиш қилдилар.

Ўтган йил давомида Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, уни профессионаллаштириш жараёни давом этди. Шахсий таркибни тайёрлашнинг сифатини оширишга асосий эътибор қаратилди. Қўшинларни таркибий, ташкилий қайта қуриш давом этди. Қуролли Кучлар бирлашган штаби пайдо бўлиши ҳам шу жумладандир. Олдиндан белгиланган режа асосида айрим ҳарбий қисмларнинг бошқатдан жойлаштирилиши ҳам тугалланди. Бугунги кунда барча қисм ва бўлинмалар ушбу режага мувофиқ энг муҳим стратегик ва тактик йўналишларда ўз ўринларини эгаллашган.

Янги ўқув йили арафасида мамлакатимиз Мудофаа вазири Қодир Ғуломов Америка Қўшма Штатларига бориб, Пентагонда АҚШ Мудофаа вазири Уильям Коэн билан учрашди. Музокаралар давомида ҳарбий техник ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида шартнома имзоланди. Ўзбекистон Мудофаа вазири АҚШ армиясининг бир қанча қисмларида бўлиб, аскарларнинг тайёргарлик даражаси, тартиби, яшаш шароитлари билан танишди. АҚШ тажрибаси билан танишиш эса Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилишда фойда бериши, шубҳасиз.

Янги ўқув йили, бу — ислоҳ қилиш ва профессионаллаштириш, мамлакатимизнинг тинчлиги, хотиржамлигини ишончли ҳимоя қила оладиган тезкор, етарли даражада таъминланган, яхши қуролланган Қуролли Кучлар тузиш асосида армиямизни янада такомиллаштириш босқичидир. Қуролли Кучлар ислоҳотидан кўзланган асосий мақсад эса унинг юксак жанговар шайлигини таъминлаш. Хўш, буни қандай тушунмоқ керак? Ушбу саволга Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида аниқ жавоб берган. **«Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр турши, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудининг жўғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига қуроқлида ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур».**

Ҳозирги шароитда ушбу вазифаларнинг долзарблиги, муҳимлиги ҳеч камаймади, балки янада ошди. Бу умумий вазифалар Мудофаа вазирлиги ва бирлашган штабнинг янги ўқув йили талабларида конкретлаштирилади. Машғулот раҳбари тингловчилар даражасига қараб уларни янги ўқув йилида Қуролли Кучлар ва қўшин турларининг тегишли қисм ва бўлинмалари олдида турган Мудофаа вазири талаблари, ташкилий кўрсатмалар ва бевосита вазифалар билан таништиради.

Минтақамиз ва чегарамиздаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда биз **туркум вазифалар ичидан бугун шахсий таркибнинг жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлигида ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи энг асосийларини, энг муҳимларини ажратиб олишимиз даркор.** Хўш, ушбу муҳим жиҳатлар қайсилари?

Биринчидан, командирлар, штаблар, тарбиявий ишлар бўйича органлар, барча офицерлар, прапорщиклар, сержант ва оддий аскарлар ўз амалий фаолиятларида Олий Бош Қўмондонинг халқаро террорчиларга қарши жанговар ҳаракатлар давом этаётган Узун туманида ҳарбий хизматчилар билан бўлиб ўтган суҳбатида тилга олган талаблари дастуриламал бўлмоғи лозим. Ушанда давлатимиз раҳбари: **«Аскар ва офицерларимиз ҳар қандай қалтис вазиятда ҳам қатъий ишонч билан, дадил ҳаракат қилмоғи лозим. Бунинг учун уларнинг қурол-яроғи ва кийим-боши, бошқа анжомлари ҳам талабга тўла жавоб бера оладиган бўлиши керак»,** — деган эди.

Ушбу талаблар ўз ичига жуда кенг масалаларни қамраб олади ва уларни ечиш биринчи навбатда командирларга боғлиқ. Шу билан бирга у жанговар ҳаракатларда иштирок этувчи асосий шахс сифатида бевосита аскарга ҳам тааллуқли. Зеро, ҳар қандай шароитда қатъий ишонч билан ҳаракатланиш учун аскар ўз ишининг устаси, замонавий жангнинг энг мураккаб ҳолатларида ҳам ҳаракатланадиган профессионал бўлмоғи лозим.

Иккинчидан, Қуролли Кучларнинг барча шахсий таркиби **ишониб топширилган қурол ва жанговар техникани мукаммал ўрганишга ва маҳорат билан ишлатишга, уни доимо шай ва жанг қилишга тайёр ҳолатда сақлашга алоҳида эътибор қаратмоғи шарт.** Барча ҳарбий хизматчиларнинг диққат-эътиборини тактик машқларга ва жанговар уйғунликка қаратмоқ керак. Чунки душман устидан ҳал қилувчи ғалабага эришишнинг асосий шартлари худди шу нарсаларга боғлиқдир. Олий Бош Қўмондон бизга тўғридан-тўғри шундай кўрсатма беради: **«Душманни жанговар қурол билан йўқ қилинг, тўп ва миномётлардан, вертолётлардан ўққа тутинг. Ғалабани жангларда кўп сонли аскарлар, беҳуда қурбонлар ҳисобига қўлга киритадиган замонлар ўтиб кетди».**

Бу бизга қурол ва жанговар техникани муфассал билиш, душманнинг қутулиб қолишига ҳеч қандай умид қолдирмайдиган аниқ, яккa ёки ёпирилма зарбалар беришга моҳир бўлиш мажбуриятини юклайди. Ўз зарбаларини ва ҳамкорликда ҳаракат қилаётган қисм ва бўлинмаларнинг ҳаво орқали, ердаги зарбаларини тез ва аниқ уйғунлаштириб душман гуруҳларига қаратиш, уларни бутунлай яксон қилишни сабот билан ўрганмоқ керак. Айниқса, жангчиларни тоғ шароитида жанг қилишга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқ зарур.

Учинчидан, Олий Бош Қўмондон шундай талаб қилади: **«Жангарилар хорижидаги махсус лагерларда жиддий тайёргарлик кўришган. Буни асло эсдан чиқармаслигимиз керак ва биз ўз армиямизни доимий жанговар шайликда сақлашга мажбурмиз».**

Маълумки, қисм ва бўлинмаларнинг жанговар шайлиги белгиланган жанговар вазифаларни дарҳол бажара олиш лаёқатига қараб аниқланади. Бу эса ёш аскарларни қисқа муддат ичида юксак даражада тайёрлаб сафга қўйиш, ўзаро мусобақаларни ташкиллаштириш ва унинг таъсирчанлиги масалаларига, шахсий таркибнинг ўқув-жанговар вазифаларни сифатли даражада бажаришига эътиборни қаратиш, қурол ва жанговар техникалардан моҳирлик билан фойдаланишни ўрганиш, жанговар ишлар нормативларини қисқартириш учун қатъий курашиш лозим деганидир. Ишониб топширилган ёки ўзаро ҳамкорликдаги қисм ва бўлинмалар билан бирбирининг ўрнини алмашиш, маскировка, разведка масалаларини ишлаб чиқишга доимий эътибор бериш зарур деганидир. Шунингдек, ҳушёрлик масаласига, айниқса жанговар навбатчилик, ички хизмат ва уни ташкиллаштиришни ўта ҳушёрлик билан бажаришга, гарнизон ва қоровуллик хизматини жанговар вазифани бажаргандек ўташга алоҳида диққат-эътибор қаратмоқ керак.

Тўртинчидан, машғулотлар, дала-ўқув машқлари, парвозлар, машқлар, шунингдек, тарбиявий ишлар давомида ҳарбий хизматчиларда юксак жанговар фаолликни, бор кучини ишга солган ҳолда ҳаракатланиб, душманни бутунлай яксон қила олиш малакасини шакллантириш.

Жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ва тарбиявий ишларнинг барча формалари билан ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик, ўз юртига, халқига ва Президентига содиқлик, йигитлик бурчини бажаришга онгли муносабат, собитқадамлик, ташаббускорлик, фидокорлик, мардлик, қатъиятлилик ва ғалабага бўлган букилмас ирода каби юксак маънавий, жанговар ва руҳий хислатларни шакллантириш керак.

Бешинчидан, бор имкониятлардан фойдаланиб, жанговар интизомни, уюшқоқлик ва низомий тартибни мустаҳкамлаш. **Ишчанлик ва итоатликка алоҳида эътибор қаратмоқ лозим.** Ҳарбий хизмат қонунларини, Низомлар ва ҳарбий қасамёд талабларини, командир ва бошлиқлар буйруқларини аниқ бажармасдан мустаҳкам ҳарбий интизом тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ижрочилик аниқ ва ўз муддатида, бўйсуниш эса сўзсиз бўлмоғи лозим. Бунга ҳаётнинг ўзи, минтақамиздаги шу кунги ҳарбий-сиёсий вазият ва Қуролли Кучларнинг мустақил Ватанимизни душмандан ишончли ҳимоя қилиш бўйича амалга ошираётган вазифаларининг мураккаблиги ҳам талаб қилади.

Шундай қилиб, минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, экстремистик кучлар ва халқаро терроризм фаолиятининг кучайиши ҳарбий кадрлар, Қуролли Кучлар барча жангчиларидан жанговар шайлик, ҳушёрлик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш учун шахсий масъулиятни кучайтиришни талаб қилади. Айни талаблар эса Олий Бош Қўмондон талабларига, мустақил Ватанимиз ҳавфсизлигига тўла мутаносиб бўлмоғи шарт. Бизнинг муқаддас ҳарбийлик бурчимиз — доим тайёр, доим жанговар шай, тинчлик ва барқарорлик, мустақиллигимиз ва мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ҳимоясида ҳушёр турмоғимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар Бош бошқармаси.

● МУНОСАБАТ

БУНДАЙ ХОИНЛИКНИ КЕЧИРМАС, ВАТАН

Чаён ўт ичида қолса, ўзини-ўзи чақиб ўлдираркан. Қаранг-а, ҳаёти хавф остида қолганида ҳам одатини канда қилишни истамайди. Бировга ниш санчиш, ҳаётига оғу солиш у учун яшашнинг мазмунидир. Афсуски, чаёнинг «қариндошлари» одамлар орасида ҳам бор. Уларни қўштарноқ ичида одам деб аташга-да тил бормайди. Бу «қариндошлар» қасддан одам ўлдиришни, терроризмни, Конституциявий тузумга тажовуз қилишни ўзларига касб қилиб олишган. Бугун уларни бутун инсоният қораламоқда, қилмишларига тавқи-лаънат ўқимоқда. Ана шундайлардан 12 нафари бўйича суд жараёни ниҳоясига етгани, улар халқимиз нафрати ва қонунларимизда кўзда тутилган жазоларга мустаҳиқ этилгани маълум. Ҳа, ўз халқига қўл кўтариш, тинчлигини бузиш, қотиллик қилиш ҳеч қачон кечирилмайди. Ҳеч қайси динда, ҳеч қайси инсонийлик илмида бундайин жиноят оқланмайди.

Эндигина муддатли ҳарбий хизматга келган, Конституциявий бурчини ўташга шай посбоннинг қалбида ҳам бундайин нопок кимсаларга нафрат кучли. У ҳарб илмининг илк сабоқларини олар экан, Ватанни бундай разиллардан ҳимоя қилишга доимо шай туришга интилади. Келинг, яхшиси улардан айрилмаларнинг фикрларига қулоқ тутайлик.

Оддий аскар Баҳодир ҲУСЕЙНОВ (Сурхондарё вилояти, Узун туманидан):

— Бурчимни ўташга келганимга ҳам бир ойдан ошди. Армиявача мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомобилчилар тайёрловчи мактабида ўқидим. Биласиз, мен туғилиб ёсган Узун туманида диний экстремистлар ва халқаро террорчилар ҳунрезлик қилишди. Муқаддас тупроғимга биродарларимнинг қони тўкилди. Уларнинг безовта руҳи бир лаҳза бўлса-да, тинч қўймайди. Мен юртимнинг муносиб ҳимоячиси бўламан. Ватанимга ўз олайтирган, халқим тинчлигини бузишга қасд қилган ҳар қандай ғаламисларнинг пайини қирқаман. Телевизорда кўраяпмиз, газетада ўқияпмиз. Ахир ўз халқига хиёнат қилиб, нима топишди? Ўйлайманки, у малъунлар бундан-да оғир жазоларга лойиқ.

Оддий аскар Даврон АҲМАДОВ (Самарқанд вилояти, Жомбой туманидан, МК «Ватанпарвар» ташкилотининг алоқачилар тайёрловчи мактабида ўқиган):

— Диний экстремистлар ва террорчиларга қарши курашда самарқандлик посбон акаларимиз ҳам шаҳид кетишди. Бу менинг юрагимга алам, нафрат ўтини солди. Командирларимиз «юксак жанговар тайёргарликларингиз халқаро террорчиларга нисбатан муносиб жавобингиз бўлади», деб айтишади. Шу боис кун сайин ҳарбий соҳани пухта ўрганишга, баркамол посбон бўлишга интилмоқдамиз. Бу борада гуруҳ командири кичик лейтенант Хайрулла Маматов, кичик сержантлар — Ихтиёр Қурбонов, Нодир Турсуновлар бизга яқиндан ёрдам беришмоқда. Юртимизга ғаламисларча бостириб кириб, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини бузишга уринганлар устидан бўлган суд жараёнини сафдошларим билан кузатиб бордик. Уларнинг қилмишлари хусусидаги янги маълумотларни эшитиб, баттар ғазабим қайнади. Янглишмасам, бу нопок кимсаларнинг 9 нафари одил суддан қочиб юрибди. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», дейишади. Билиб қўйинг, мендек ўғлонлари бор экан, юртимга нифлос қадамингизни қўя олмайсиз.

Оддий аскар Бозорбой ДОНОМУРОДОВ (Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидан, 18 ёш):

— Ўйлаб ўйимга етолмайман. Ватанимиз мустақил бўлса, динимизга, қадриятларимизга кенг эътибор берилаётган бўлса, яна нима керак у ватанфурушларга? Ҳа, таъкидланаётганидек, динни ниқоб қилиб, бойлик, ҳокимият учун ғаламисларча йўл тутиб курашишмоқда, улар. Агар илгари сураётган ғоллари улуғвор, инсонпарвар бўлса, нега уни халқ тан олмаяпти? Шуларни ўйлаб туриб ҳам бундай йўлни танлаган кимсаларнинг ғоялари пуч, ниятлари бузуқ эканлигини англайман. Ватанимда, қадрдон ғўшам Сариосиёда ҳунрезлик қилишди, қабиҳлар. Бунинг алами ҳали юрагимдан ўчгани йўқ. Ҳар қандай шароитда, ҳаётимни гаровга қўйиб бўлса-да, бундайларнинг пуч ғояларига, қабиҳ ниятларига қарши мардонавор курашаман.

Оддий аскар Бахтиёр ЖАББОРОВ:

— Жорий йилда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг алоқачилар тайёрловчи мактабини тугатиб, кузги чақирувда биринчилардан бўлиб хизматга келдим. Армиягача ҳам оммавий ахборот воситалари орқали

диний экстремистлар ва халқаро террорчилар хусусида билиб олганман. Мана ҳозир ёш аскарлар ўқув йилининг ҳам майор Илҳом Ҳамидов етакчилигида ижтимоий-сиёсий машғулотлар ўтар эканмиз, бу мавзуга катта эътибор қаратаётгимиз. Бундайин қабиҳ кимсалар устидан бўлган суд жараёнини қолдирмасдан кузатиб бордик. Бировдан эшитганинг бошқа, исбот ва далиллар воситасида англаганинг бошқа экан. Хуллас, суд давомида келтирилган далил ва исботлардан билдимки, уларнинг жиноятларини ўйлаганимдан-да ўн чандон ортиқ экан. Ахир ўз халқингга, Ватанингга нисбатан қилинган хоинликдан ортиқ жиноят борми?! Мен ундайларни «ҳамюрт» дейишдан, ҳатто «инсон» дейишдан-да ор қиламан.

Ниҳоят куни кеча суд жараёни якунланганини «Ахборот» дастуридан кўриб, матбуотда ўқидик. Террорчилик, қотиллик билан шуғулланган, истиқлолимизга, Президентимизга ва Конституциявий тузумимизга тажовуз қилган 12 нафар шахс устидан Республика Олий суди ўз ҳукмини ўқиди. «Бировга ўлим тилагандан кўра, ўзингга умр тила», дейди доно халқимиз. Ўз ватандошларига қўл кўтарган малъунлар қилмишларига яраша жазо олишди, деб ўйлайман.

Мен бу посбон йигитларимизнинг фикрларини ёзиб олиш жараёнида бир нарсага такрор амин бўламан. Халқимиз кечиримли, баркиенг. Аммо бундайин хиёнатни ҳеч қачон кечира олмайди. Зеро, барча замонларда хиёнаткорлар — юртига, халқига қарши қўл кўтарганлар қораланган. Уларнинг номлари тарихнинг энг қора саҳифаларидан жой олган. Ахир Ватанингга, халқингга хиёнат — бу отангга, онангга, ўз-ўзингга хиёнат-да.

Катта лейтенант А. САФАРОВ ёзиб олди

Капитан З. ТУХТАЕВ суратга олган.

● СОИБ ХУЖАЕВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

ҚАҲҚАҲА ДАРҒАСИ

Фарғона водийсида таваллуд топган Соиб Хўжаев 1927 йилда Қўқон шаҳрида ўз ижодини бошлаган. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, бир гуруҳ актёрлар билан Андижонга келган ва ўша ерда қайноқ ижодини давом эттирган. У театрга келганида бир томонда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, иккинчи томонда Миршоҳид Мироқилов каби машҳур кулги усталари бор эди. У ушбу зотлар билан ёнма-ён туриб ижод этди.

